Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен

# ХАБАР

XABAR

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 2000 йил, 24 ноябр, жума № 46 (429) Сотувда нархи эркин



**Хорватияда ўқиб, малака ошириб келган Эргаш Холмуродов ҳозирда «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси Денов филиалида катта муҳандис вазифасида ишламоқда.**

*Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган*

## МЕТРОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Тошкентда «Почта ва телекоммуникациялар соҳасида метрология» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Унда Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларининг вакиллари, агентлик почта ва телекоммуникациялар тизимидаги мутасаддилар иштирок этишди. Анжуманда катнашган Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари А. Орипов, Фантехника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бошлиғи Р. Исаев, Лицензиялаш, сертификациялаш ва стандартлаш бўлими бошлиғи Х. Соатов, шу бўлим бош мутахассиси В. Дворин, Ўзбекистон давлат стандартлаш бўлими бошлиғи О. Ҳакимов ва бошқаларнинг маърузалари қизғин баҳсларга сабаб бўлди.

Айни пайтда метрология соҳасида ечимини кутаётган муаммолар талайгина эканлиги маълум бўлди. Хусусан, тармоқ фаолиятига замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, метрология хизматининг сифати ҳамда маданиятини ошириш давр талаби эканлиги йиғилишда қайта-қайта таъкидланди.

Икки кун давом этган анжуманда метрология соҳаси олдида турган масалалар атрофлича муҳокама этилди ва уларни ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар кўриб чиқилди.

*Х. КАРИМОВ*

● ТИЛГА ЭЪТИБОР

## БЕБАҲО МУЛК

Ўзбек тили Давлат тили мақомини олганига ҳам мана ўн бир йилдан ошди. Мустақилликка эришганимиздан кейин она тилимизга бўлган муносабат янада жиддийлашганидан беҳад мамнунмиз. Ўзбек тили ҳам жаҳондаги уч мингдан зиёд тилнинг энг нуфузлилари қаторида туради.

Ҳозирда энг оммавий хизмат турига айланган алоқа соҳасида ҳужжатлар давлат тилида ёзилса ҳамки иш юритиш кўп ҳолларда рус тилида бўлаётганига нима дейсиз?

Масалан, 1999 йил давомида «Тошкент Телеком» акциядорлик жамиятининг назорат бўлими орқали 1033 та хат жўнатилган. Шундан 485 таси рус тилида (47 фоиз), 227 та буйруқдан 141 таси рус тилида (62 фоиз). 2000 йилнинг ўтган даврида эса 870 та хат жўнатилган бўлиб, 313 таси рус тилида (36 фоиз), 163 та буйруқдан ҳам 54 таси рус тилида (33 фоиз) бўлган. Бу биргина корхонада учраётган ҳолатдир.

Жорий йил 20 октябрь куни селектор орқали Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 9 ойлик иш якунлари тўғрисида бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида тўртта нуфузли раҳбарлардан икки нафари рус тилида маъруза қилди. Аҳвол шундай экан, қуйи табақа раҳбарлари тўғрисида гапирмасак ҳам бўлаверади. Ўз тилимизни ўзимиз менсимас эканмиз, ўзгалардан нимани кутамиз? Аслида ўзбек тили асосий муомала воситасига айланса, давлат тилини ўрганмоқ ниятида бўлганларга ҳам катта имконият яратилади. Ахир, тил билган дил билади-ку! Қолаверса, шу юртга ҳурмат, «эҳтиром рамзи сифатида шу эл тилида муомала қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиши керак. Ана шунда қонунларимизнинг қадри яна ҳам ошарди. Ўзингиз давлат ва миллат тилини азиз тутганингиз учун ҳамкасбларингиз ва атрофдагиларнинг сизга нисбатан ихлоси ортади. Сиз бу туйғуни ўзгаларда ҳам уйғота оласиз. Давлат тили ҳақида фақатгина йилда бир маротаба эслаб қўйиш эмас, балки унга йил давомида ғамхўрлик қилишимиз зарур. Шунда она тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ошишига ҳамда миллат тили камол топишига, унинг юксалишига ҳисса қўшган бўламиз. Тилга эътибор — элга эътибор.

*А. БЕКТУРДИЕВ,*
*Тошкент вилояти*

● Обуна-2001

## ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Маълумки, шу кунларда газета-журналларга обуна бўлиш айни қизғин паллада. Албатта, йил давомида дунё воқеа-ҳодисаларидан хабардор бўлишни хоҳлаган ҳар бир киши ёхуд жамоа ўзларига маъқул нашрларга обуна бўлиши табиий.

«Қашқадарё почтаси» АЖ ходимлари ҳам ўзларининг севимли «Хабар» газетасига уюшқоқлик билан обуна бўлишмоқда. Шу кунгача жамоа аъзоларидан 1015 киши алоқачиларнинг ягона газетаси бўлмиш «Хабар»га ёзилишган.

— Акциядорлик жамиятида 2001 йил обунаси учун тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри ташкил эта ол дик. Бу ишларни маҳаллий ҳокимлик, таҳририятлар, радио ва телевидение ходимлари билан ҳамкорликда олиб бордик. Шунинг учун ҳам обуна натижалари самарали бўлмоқда, — дейди «Қашқадарё почтаси» АЖ ходимлар бўлими етакчи муҳандиси Раъно Қиличева. — Аммо биз бу билан чекланиб қолганимиз йўқ. Обуна ҳали давом этмоқда.

*И. ОМОНОВ*

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**«ХАБАР» газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.**

**Нашр кўрсаткичи:**
**Якка тартибдаги обуначилар учун – 227.**
**Ташкилотлар учун – 228.**

**«ХАБАР» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ЯНГИЛИКЛАР ● ХАБАРЛАР ● ВОҚЕАЛАР

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Италия Республикаси Президенти Карль Адзелио Чампининг таклифига биноан мазкур мамлакатда бўлди.

● **Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь — умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.**

● Грузия ҳукуматининг мамлакат Президенти Эдуард Шеварднадзе раислигида ўтказилган фавқулодда мажлисида мамлакатда электр энергиясини мунтазам беришни тиклаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

● **Алматида Балхаш кўли муаммоларига бағишланган биринчи халқаро экологик анжуман якунланди.**

● Фаластин мухториятининг раҳбари Ё. Арофат фаластинликларни исроилликларга ҳужум қилишларини тўхтатишга даъват этди.

● **Токиода машҳур япон рассоми, олим ва жамоат арбоби У. Хирояма асарларининг кўргазмаси ўтказилди. Кўргазманинг очилиш маросимида рассомга Буюк Ипак йўли ва Ўзбекистонга бағишланган қатор асарлари учун Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий мукофоти — «Олтин медаль» топширилди.**

● 72 ёшли Ҳинд киноси юлдузи Раж Кумар номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган эди. У уч ойлик тутқунликдан сўнг босқинчилар қўлидан озод этилди.

• Фахрийлар–фахримиз

# КАСБГА ЭЪТИҚОД

**«Қашқадарё Телеком» шўъба корхонасида ўз касбини улуғлаган фидойилар кўп. Яккабоғ туманидаги меҳнат фахрийси Исмат Эрраҳматов шундай инсонлардан биридир. Ушбу туманга хизмат сафари билан борганимда у киши билан танишиб, суҳбатлашдим.**

– Яккабоғнинг «Додкуш» қишлоғида 1935 йили туғилганман, – дея сўз бошлади Исмат ака. – Мактабда ўқиб юрган чоғларимдан алоқачилик касбига қизиққанман. Армия сафида ҳам алоқачилик билан шуғулландим. Хизматдан қайтгач, тумандаги «Шарқ юлдузи» хўжалигининг радио узелида мантўрлик қилдим. 1956 йили Венгрия урушида кўнгиллилар сафида иштирок этдим. Эсон-омон қайтиб, яна севган касбим — алоқачиликда ўз ишимни давом эттирдим. Бу касбни мукаммал ўрганиш мақсадида Тошкент электротехника алоқа институти қошидаги бир йиллик алоқачилар тайёрлов курсида ўқидим. Сўнгра ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент электротехника алоқа институтининг радиоэшиттириш ва радиоалоқа факультетини тамомладим. Алоқачилик менга ота мерос бўлмасада, ўз касбим билан фахрланаман. Турмуш ўртоғим Хурсанд момо ҳам мен билан ёнма-ён шу соҳада йигирма йил меҳнат қилди.

Ўн нафар фарзандим бор. Барчаси уйли-жойли, ўқимишли. Тўнғич ўғлим Нурмуҳаммад менинг издошим. Айни кунда туман алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишламоқда.

**– Сизларнинг даврингизда алоқа воситалари қандай бўлган?**

– Дарвоқе, биз иш бошлаган вақтларда алоқа тизими ҳозиргидек тараққий этмаганди. Ўша кезларда сўзлашув ишлари СКОР, СТО, ТУ-50, МБ каби сим орқали боғланадиган аппаратлар билан амалга оширилар эди. Махсус мутахассислар жуда кам бўлганлиги учун аппаратларни ишлатиш кўп мушкуллик туғдирарди. Баъзан кунни тунга улаб ишлардик.

Асбоб-ускуналарни асосан Россиялик мутахассислар ўрнатишар, икки-уч кун алоқа техникасини имкон қадар ўргатишар эди. Улар кетишгач, устоз ҳам, шогирд ҳам ўзимиз эдик. Шу сабабли ҳамкасбларим Йўлдош Тўраев, Азим Қодиров, Жовли Раҳимов, Ибодулла Утагановлар шоир таъбири билан айтганда «Бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд» бўлиб қолганмиз. Ҳозирги пайтда кўпгина шогирдларим бор. Улар алоқачилик касбини қунт билан ўрганиб келишаётир.

**– Ҳозир нафақада экансиз. Бу ерга ўз ихтиёрингиз билан келасизми ёки...?**

– Ростини айтадиган бўлсам, узоқ йил бир жойда ишлагач, касб хасталигига дуч бўлар экан одам. Шогирдларимни кўрмасам, ишларидан хабардор бўлмасам зерикиб қоламан. Агарда икки-уч кун бирор юмуш билан келолмай қолсам, шогирдларим дарҳол излаб боришади. Албатта, кишилар ҳурматини қозониш учун ҳар ким ўз касбини мукаммал ўрганиши зарур. Қолаверса, бу соҳада бамаслаҳат иш юритиш ютуқлар гарови ҳамдир.

***Бахтиёр АРАБОВ суҳбатлашди, Қашқадарё вилояти***

# ҚУТЛАЙМИЗ!

Умрни бежиз оқар сувга ўхшатишмайди. Мана, Нуъмонжон ака ҳам 60



баҳорни кўрибди. Дастлаб у киши 1958 йили Самарқанд вилояти, Оқ дарё туман алоқа боғламаси техник тизими участкаси бошлиғи вазифада иш бошлади. Шундан сўнг унинг ҳаёти алоқа соҳаси билан бир умрга боғланиб қолди. Фарғона вилояти, Учкўприк туман алоқа боғламасида радио боғлама техниги, Данғара, Фарғона туманлари алоқа боғламаси бошлиғи, Қувасой шаҳар почта алоқаси бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. 1966—1967 йиллари Боғдод тумани алоқа боғламаси бошлиғи, вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи муовини, 1977—1987 йиллари Фарғона шаҳар почтамти бошлиғи, Фарғона вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси, 1992—1997 йилларда Фарғона вилоят давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхонаси бошлиғи, 1997 йилдан буён «Фарғона почтаси» акциядорлик жамияти директори вазифасида ишлаб келяпти. У раҳбарлик қилаётган жамоа мамлакатимизда кечаётган ўтиш даври иқтисодий қийинчиликларни енгиб, юқори кўрсатгичларга эришишга ҳаракат қилмоқда.

Нуъмонжон Каримовнинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари муносиб тақдирланган. У киши ҳукуматимизнинг «Ҳурмат белгиси» ордени, агентликнинг «Алоқа устаси», «Аъло даражали раҳбар», «Моҳир алоқачи» фахрий унвонларига сазовор бўлган. Н. Каримов узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида вилоят алоқа корхоналарида кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Ҳурматли Нуъмонжон ака, «Фарғона почтаси» акциядорлик жамияти жамоаси Сизни табаррук 60 ёшингиз билан чин дилдан қутлайди. Сизга узоқ умр, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларингизда ривож тилаб қолади.



Электромагнит мослашув маркази муҳандиси Любовь Методиевна СОКОЛОВА ўз касбини ардоқлаб келаётир.

*Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган*

# КАДРЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Мана 10 йилдирки «Сирдарё Телеком» АЖ қошида «Кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш» Маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

Марказда мунтазам равишда бир-икки ҳафталик курслар ташкил этилган бўлиб, имтиҳонни яхши ва аъло баҳоларга топширганларнинг тоифалари оширилади ва гувоҳномалар берилади.

Шунингдек, муҳандис ва техник ходимлар Марказ орқали шартнома асосида Тошкент шаҳридаги Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети, Тошкент электротехника алоқа институти ва алоқа коллежидаги малака ошириш курсларига ўз билими ва тажрибаларини ошириш учун юборилади.

Малака ошириш марказида «Ўзбектелеком» АК ташаббуси билан 2001 йил, июн ойида кадрлар хизмати ва малака ошириш бўйича Республика амалий семинар-кенгаши ўтказилади.

«Кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш» Маркази бугунги кун талабига мувофиқ доимий равишда ходимлар малакаларини оширишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Бу эса вилоятда сифатли алоқа хизмати кафолатидир.

***Абдуғофур ҲОТАМОВ, жамоатчи мухбиримиз***

• Фармон ва ижро

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Соғлом ва бақувват тўрт нафар йигитнинг жиноят курсисида ўтирганини кўриб юрагингиз орқага тортиб кетади. Ич-ичингдан ачинасан уларга. Аввал 825 метрли кабелни ўмаришганини биров сезмагач, ўн кун ўтиб-ўтмай яна 160 метрли кабелни ўғирлашган. Кўза кунда эмас, кунида синаркан.

Ажабо, бу йигитлар ўз қилмишлари ҳақида ҳеч ўйлашдимикин? Балки улар инсонлик шаъни, озодлик ҳақида умрларида илк бора шу неъматлардан маҳрум бўлгандан кейингина фикр юритишаётгандир.

Минг таассуфларки, орамизда қинғир ишнинг аянчли оқибатини ҳис қилмаётган кимсалар бор. Шундайлар боши бориб деворга тегмагунча кўзини очмаяпти.

Шу йилнинг 4 мартида Президентимизнинг «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилингач, ишда бурилиш юз берди. Кабелларни ўғирлаш ҳолатлари кескин камайди.

Фарғона вилоят ички ишлар жиноят-қидирув бошқармаси маълумотларига кўра, йилнинг биринчи чорагида 27 та кабель ўғирланиши қайд этилган бўлса, иккинчи чорагида 20 марта, учинчи чорагида эса 8 марта кабел ўғирланиши кузатилган.

— Дарҳақиқат, бизга улкан моддий ва маънавий зарар етказаётган жиноятчиларни топиб, уларни қонун олдида жавобгарликка тортаётган ички ишлар бошқармасининг хизматларидан мамнунмиз, — дейди «Фарғона Телеком» акциядорлик жамияти бош директори Давлат Тошматов. — Шу билан биргаликда вилоят божхона бошқармаси ва ДАН ходимлари ҳам ўз зиммаларидаги вазифаларини масъулият билан адо этаётганликлари боис кабел ўғирланиши анча-мунча камайди. Бунда тунги гуруҳлар, ҳудуд нозирлари жонбозлик кўрсатганликларининг гувоҳи бўляпмиз.

Металлар сотиладиган бозорлар назоратга олингани ҳам ўз самарасини берди. Қисқаси, ҳамкорликда ҳикмат кўп экан.

Хуллас, «Фарғона Телеком» акциядорлик жамияти раҳбарияти фуқаролар йиғинлари фаоллари билан жиноятнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини бўшаштирмаяпти. Негаки, ҳали Фарғона, Қўқон, Марғилон ва Қувасой шаҳарларида кабел ўғирлаш жиноятлари онда-сонда бўлса ҳам учраяпти. Шундай экан, жиноятчиларни ушлашдан кўра жиноятнинг олдини олган афзал.

***Ҳафиза САЛЯХОВА, жамоатчи мухбиримиз, Фарғона вилояти***

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хабар» газетаси жамоаси газетамизнинг жамоатчилик кенгаши аъзоси, Тошкент алоқа коллежи директори **Саидмаҳмуд АКБАРОВ**ни туғилган куни билан чин юракдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, мураббийлик ишларида зафарлар тилайди.

COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

# РЎЗА

**Рўза–Ислом асосларидан бири. Қуръони Карим баёнига кўра Исломгача келган илоҳий динларда ҳам рўза фарз қилинган. Исломда эса рўза ҳижратнинг иккинчи йилида фарз қилинди. Бошқа ибодатлар каби рўзанинг ҳам икки улкан фойдаси бор. Дунёвий ва ухравий. Ухравий фойдаси: инсонни абадий оламга тайёрлайди. Дунёвий фойдаси: инсон соғлигини сақлаш ва ахлоқий маънавий-маърифий жиҳатларини яхшилайдики, бу хусусиятларни мужассам этган инсонни биз комил инсон деймиз. Демак, рўза боқий олам учун ҳозирликдир.**

Рўза мангу ҳаётга оид вазифани бажаради. Рўза инсонни кундузлари еб-ичмоқдан, жинсий муносабатдан тийиб, унга очлик ва сувсизлик туйғуси, охират азобини эслатади. Шом чоғи қуёш ботаркан, ифторлик қилиш инсонга охиратда қайта тирилишдан таълим беради. Пайғамбаримиз марҳамат қиладилар: «Ёзда рўза тутмоқ иймоннинг афзаллик ва гўзалликларидандир».

«Саҳарлик қилинг, чунки саҳарликда барокат бор. Лоақал бир қултум сув билан бўлса ҳам. Саҳарлик қилганларга Оллоҳнинг раҳмати ёғар, малаклар истиғфор айтар! Бизнинг рўзамизни аҳли китоб рўзасидан фарқловчи саҳарликдир. Хурмо билан, йўқса, сув билан ифторликда оғиз очинг. Чунки сув покдир».

Ҳеч бир ибодат дунёвий фойда учун қилинмас. Ибодат Оллоҳнинг амри бўлгани учун ёлгиз Оллоҳ ризоси учун қилинади.

Йил давомида ҳисобсиз еб-ичиш натижасида аъзоларда йиғилиб қолган заҳарли моддалар хасталикларга сабаб бўлиши тиб илмига маълум. Ва бундай беморларга шифокорлар парҳез қилишни тавсия этишади. Йилда бир ой Оллоҳ амр қилган парҳезни адо қилмаган киши умр бўйи дўхтирлар парҳезига маҳкум (туткун) бўлиб қолиши мумкин. Оллоҳ сақласин.

Рўза ҳам инсон танини, ҳам руҳини бардам, қувватли, саломат қилади. Бир ҳадиси шарифда айтилган: «Рўза – таннинг закотидир, ҳар молнинг бир закоти бўлганидек, вужуднинг закоти рўзадир».

Закот калимаси тозалаш, покланиш ва поклик деганидир. Пайғамбаримиз: «Рўза тутинг, саломат бўласиз!» деб марҳамат қилганлар.

Бойлар рўза тутаркан, фақир, мискин-йўқсиллар аҳволини янада яхшироқ ҳис этади, одамлар орасида меҳру оқибат, шавқату мурувват туйғулари пайдо булади. Бу нақадар гўзал ҳолатдир! Ижтимоий ҳаётга боққанимизда, одамлар моддий имкониятлари жиҳатидан ҳам турлича эканини кўрамиз. Жаноби Ҳақ шунинг учун бойларни фақирларга ёрдам беришга чақиради ва буюради. Бойлар камбағалларнинг ачинарли аҳволини, очлигини рўза туфайлигина чуқурроқ англайдилар.

Мисрда қаҳатчилик, қурғоқчилик, очарчилик йилларида Юсуф (а.с.) йўқсилларга буғдой улашиб, ўзлари уч кунда бир ифторлик қилардилар. Сабабини сўраганларга: «Мен ҳар куни тўқ бўлсам, очлар ҳолини қандай англайман» деб жавоб берганлар.



Тошкент. Бароқхон мадрасаси.

Рўза инсоннинг ортиқча эҳтиёжларига, ҳою-ҳавасларига тўсқинлик қилади. Рўза тутганлар янада соғлом, янада ҳалимсалим, янада бардошли бўладилар. Энг буюк фазилатнинг, ҳусну хулқ (гўзал ахлоқ)нинг боши рўзадир. Пайғамбаримиз: «Рўза – Сабрнинг ярми» деб марҳамат қилганлар.

Имом Ғаззолий рўзанинг ахлоқий жиҳатини шундай изоҳлайди: «Солиҳ (ибодат ва яхши ишлар қилувчи)»ларнинг рўзаси барча аъзоларни гуноҳлардан муҳофаза қилади. Бу аъзоларни ёмонликдан, ҳаромдан ҳимоя қилмоқ билан амалга ошади.

1. Кўзни ҳимоя қилмоқ: шариатда ҳаром саналган, яъни тақиқланган, Оллоҳни эслашдан чалғитувчи нарсаларга қарамаслик. Жанобимиз бир ҳадиси шарифларида: «Шаҳватла қарамоқ– шайтоннинг заҳарли ўқларидан биридир. Ким Оллоҳдан қўрқиб, бу ҳолни тарк этса, Оллоҳ, уни шундай бир иймонга соҳиб қиладики, завқини қалбида ҳис этади», дея марҳамат қилганлар.

2. Тилни ҳимоя қилмоқ: Ғийбат, ёлғон, қупол; дағал, иғво, тухмат, сўкиниш, фаҳш каби бузуқ сўзларни айтишдан тийилинг. Ва яхши сўзлаш. Бу тил рўзасидир. Оллоҳ Расули шундай буюрадилар: «Рўза бир қалқондир. Рўзадор ҳолда ёмон сўз айтманг, агар сизга ёмон сўзласалар, мен рўзадорман деб билдиринг».

3. Қулоқни ҳимоя қилмоқ «Ёмон сўзларни эшитишдан тиймоқ, тийилмоқ ва қочмоқдир. Айтилиши маън қилинган ҳар нарса – эшитилиши ҳам таъқиқлангандир. Шунинг учун Ҳазрати ҳақ субҳонаҳу ва таоло бундай сўзларни тинглаганлар билан ҳаром еганларни бир савияда тутиб, шундай марҳамат қилган: «Улар ёлғон тинглаганлар, ҳаром еганлардир».

4. Бошқа аъзоларни сақламоқ «Қўл, оёқ ва бошқа барча аъзоларни ёмонликлардан, ҳаромдан – меъдани шубҳали луқмалардан тиймоқ, ҳимоя қилмоқдир. Чунки ҳалол рўза тутиб, ҳаром билан ифтор қилмоқда ҳеч бир маъно йўқ. Ҳалол, кўпи заҳарли ози фойдали бўлган бир дорудир. Рўзадан мақсад бу дорини озайтирмоқдир.

Жаноби пайғамбаримиз: «Қанча тўза тутганлар борки, уларнинг тутган рўзаларидан очлик ва сувсизликдан бошқа фойда йўқдир» деб марҳамат қилганлар.

Қуёш тақвимига кўра эмас, ой тақвимига кўра Рамазон ойида рўза тутишимиз динимизнинг минтақавий бўлмай, умумжаҳоний дин эканига ишоратдир. Агар қуёш тақвими бўйича ҳар йил декабр ойида рўза тутсайдик, биз учун қулай бўларди. Аммо дунёнинг бошқа жойида декабрь ойида август иссиғи ва узун кунларда рўза тутиб қолишарди, биз эса ҳар йил салқин ва қисқа кунларда тутган бўлур эдик. Бу динимизнинг Адолатига ва фақат бизга ёки арабларга фақат маълум халқларгагина эмас, бутун дунёга, ер юзига, коинотга, инсу жинсга баробар юборилган ҳақ дин эканига далолатдир. Шунинг учун бўлса керакки, пайғамбаримизни фахри коинот деб улуғлаймиз.

*Йўлдош ЭШБЕК таржимаси*

# ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Сайёҳлар – рўзадордирлар.

* * *

Кишининг олижаноблиги – динидир. Муруввати – ақлидир. Унинг насаби ақлидир.

* * *

Ҳар бир яхшилик садақадир.

* * *

Рўза тутиш – ейиш ва ичишдан ўзини тўхтатишгина эмас, балки беҳуда гап ва ёмон қилиқлардан ҳам сақланишликдир. Агар сени биров сўкса ёки сенга нодонлик қилса, «Мен рўзадорман, мен рўзадорман»дегин.

* * *

Бойлик молнинг кўплигида эмас, балки кўнгилнинг тўқлигидадир.

* * *

Кимки ота-онасига яхшилик қилса, унга қандай яхши, Аллоҳ унинг умрини зиёда қилади.

* * *

Қўлидану тилидан озор етмайдиган киши мусулмондир.

# БИЛАСИЗМИ?

«Тишинг-ризқинг» дейдилар, у ҳусн ҳамдир. Энг асосийси, тишларингиз саломатлигингизнинг ўттиз икки устуни ҳисобланади. Уларнинг ҳаддан ташқари сарғайиб кетиши кирлик ёки ўз мустаҳкамлигини йўқота бошлайди, касалликка тез чалинади. Қолаверса, чайнаш вақтида тиш ва милклар ўзига керакли озиқларга тўйиниб олади. Тишнинг тушиши худди соч касаллигидангина эмас, балки ички аъзолар (кўпинча меъда ва жигар) оғриганлигидан, қонда бузилиш кечаётганлигидан ҳам нишонадир. Ҳамиша егуликни оғизнинг икки тарафида айлантириб еган маъқул, чунки чайнашда иштирок этмаган тишлар оқариши каби ёш ўтаётганлигининг белгисидир.

Кечаси уйқу пайтида оёқларнинг ўз-ўзидан қизиб, безовта қилиши дармонсизлик ва камқонликдандир. Остки қовоқ ва лабнинг оқариши ҳам камқонлик аломатидир.

## Ажаб дунё

**Кексаларнинг «хуштак чалма, шайтонни чақирган бўласан» деганини кўп эшитгансиз, албатта. Хуштак чалишнинг мия фаолиятига – асаб толаларига (ва кўзга ҳам) сезиларли салбий таъсири бор. У мусиқанинг акси. Кўп хуштак чалиш кўзни тиндириб юборади, одамни фаромуш қилиб қўяди, асабларни таранглаштириш эса шайтонни чақириш билан баробар!**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

•

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**

**ТЕЛЕФОНИМИЗ:**
**136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

•

**Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.**

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-1039.
4839 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.**
Манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00
123456